

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**МАДАЛИЕВ ТУЛКУНЖОН ЭРКИНОВИЧ**

**ТИЖОРAT БАНҚЛАРИ ХИЗМАТЛАРИНИНГ ФОИЗ СТАВКАСИ ВА  
ТАРИФИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит**

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2022 йил**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)  
on Economical Sciences**

**Мадалиев Тулкунжон Эркинович**

Тижорат банклари хизматларининг фойз ставкаси ва тарифини  
шакллантиришни такомиллаштириш.....3

**Мадалиев Тулкунжон Эркинович**

Совершенствование формирования тарифа и процентной ставки услуг  
коммерческих банков.....27

**Madaliev Tulkunjon Erkinovich**

Improving the formation tariff and the interest rate of banking services.....51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....55

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**МАДАЛИЕВ ТУЛКУНЖОН ЭРКИНОВИЧ**

**ТИЖОРAT БАНҚЛАРИ ХИЗМАТЛАРИНИНГ ФОИЗ СТАВКАСИ ВА  
ТАРИФИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит**

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2022 йил**

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Iqt1497 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tfi.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Олимжонов Одил Олимович**  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Маликов Тоҳир Сатторович**  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

**Куллиев Истам Янгимуродович**  
иктисодиёт фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:** **Тошкент давлат иқтисодиёт университети**


Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.I.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «11» 03 куни соат 16:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 60А уй. Тел.: (+998 71) 234-53-34; факс: (+998 71) 234-46-26; e-mail: ilmiykengash@tfi.uz


Диссертация билан Тошкент молия институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (269 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 60А. Тел.: (+998 71) 234-53-34; факс: (+998 71) 234-46-26; e-mail: admin@tfi.uz

Диссертация автореферати 2022 йил «25» 02 куни тарқатилди.  
(2022 йил «25» 02 даги 16 рақамли реестр баённомаси).



  
**Т.З.Тешабаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

  
**Ф.К.Холмаматов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, иқтисодиёт бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

  
**И.Н.Кўзиев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

X/R 269  
TMI kutubxonasi

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда молия-кредит муносабатлари ва дунё иқтисодиётининг трансформациялашуви, шунингдек, маҳаллий доирада банкларро рақобатнинг кучайиб бориши банклар хизматларининг баҳоси, яъни фоиз ставкаси ва тарифини шакллантиришнинг долзарб масалаларини юзага чиқармоқда. Чунки, банклар фаолиятининг самарадорлиги, уларнинг хизматлар баҳосини белгилаш соҳасидаги сиёсатига боғлиқ ҳисобланади. Халқаро амалиётда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан сўнг ва бугунги кунда ҳам давом этаётган Коронавирус пандемияси шароитида, мазкур масалага жиддий эътибор қаратиш лозимлиги амалда намоён бўлди. Жумладан, Жаҳон банки томонидан 2020 йилда дунё иқтисодиётининг глобал ўсиш суръати рекорд даражага – 4,3 фоизга камаймагани эълон қилинди. Хусусан, иқтисодиёт АҚШда – 3,6 фоиз, Россияда – 4,0 фоиз ва Европа давлатларида – 7,4 фоизга пасайиши кузатилди.<sup>1</sup> Иқтисодий ўсиш суръатларининг пасайиши фонида базавий фоиз ставкаси мувозанатини сақлаш мақсадида, бир қатор ривожланган давлатлар пул-кредит сиёсатининг янги инструментларини қўлладилар ҳамда бу тижорат банклари хизматларининг фоиз ставкалари ва тарифларига сезиларли таъсир кўрсатди.

Жаҳон амалиётида тижорат банклари хизматларининг фоиз ставкаси ва тарифини шакллантиришни такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган. Мазкур тадқиқотларда, банкларда хизматлар баҳосини шакллантириш, тижорат банкларида нархлар ва нархнинг шаклланиши, кредит баҳосини шакллантириш амалиёти ҳамда фоиз сиёсатини такомиллаштириш йўллари ўрганилган. Лекин, банк тариф сиёсати, хизматлар тарифларини шакллантириш амалиёти, нарх шакллантирувчи омиллар ва уларнинг туркумланиши каби жиҳатлар ўз ечимини топмаган. Бу ўз навбатида, тижорат банклари хизматларининг фоиз ставкаси ва тарифини шакллантиришни такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларни олиб боришни талаб этади.

Ўзбекистонда банк тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади – тижорат банкларининг хизматларини ривожлантириш орқали аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг банкларга бўлган ишончини оширишга қаратилган. Бунга асосан «банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва барқарорлигини таъминлаш, банкларнинг капиталлашув даражаси ва депозит базасини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлиги ва ишончлилигини мустаҳкамлаш, истиқболли инвестиция лойиҳалари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашни янада кенгайтириш»<sup>2</sup>, устувор йўналишлардан бири сифатида алоҳида белгилаб берилган. Хусусан, тижорат банклари хизматларининг фоиз ставкаси ва

<sup>1</sup> Global Economic Prospects. 2021 International Bank for Reconstruction and Development / The World Bank. <https://www.vsemirnyjbank.org/ru/publication/global-economic-prospects#a>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармонида 1-илова. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. Т., 2017. № 6 (766). Б. 32.

тарифини шакллантириш билан боғлиқ мезонлар банк фоиз ва тариф сиёсатида ўз ифодасини топмаганлиги, банклараро рақобат шароитида депозит фоиз ставкасини шакллантириш ҳамда хизматлар тарифларини белгилашда хориж тажрибасини ўрганиш, умумлаштириш ва ундан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш имкониятларини илмий жиҳатдан асослаб бериш ҳам республикамиз банк тизими учун долзарб масала ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон «2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 23 мартдаги ПҚ-3620-сон «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сон «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, шунингдек, мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тижорат банклари хизматларининг фоиз ставкаси ва тарифини шакллантириш масаласи хориж иқтисодчи-олимлари П.Роуз, Ф.Котлер, Дж.Синки, J.Dermine, P.Wruuck, L.Drake, D.T.Llewellyn, G.J.Avlonitis, K.A.Indounas, И.В.Липсиц, О.И.Лаврушин, К.Р.Тагирбеков, Г.А.Тактаров, А.М.Тавасиев, Г.Г.Коробова, Ю.Н.Гойденко, Ю.В.Рожков, О.А.Овсянникова, Н.И.Куликов, И.В.Погорелова ва С.В.Зенченко<sup>3</sup> кабиларнинг илмий асарларида қисман ўз ифодасини топган.

---

<sup>3</sup> Роуз Питер С. Банковский менеджмент. М.: Дело, 1997. 743 с.; Филип Котлер: Основы маркетинга. М.:Вильямс, 2007. С. 290; Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. М.: Альпина Бизнес Букс, 2007. 1018 с.; Dermine, Jean. Bank valuation with an application to the implicit duration of non-maturing deposits // International Journal of Banking, Accounting and Finance. 2010. Т. 2. №1. С. 1-30; Wruuck Patricia. Pricing in retail banking //Scope for boosting customer satisfaction. Frankfurt am Main: Deutsche Bank AG. 2013. P. 1-20; Leigh Drake and David Llewellyn. The pricing of bank payments services // International Journal of Bank Marketing. 1995. Vol. 13 No. 5, P. 3-11; Avlonitis G.J., Indounas K.A. Pricing objectives and pricing methods in the services sector // Journal of services marketing. 2005. Volume 19. № 1. 2005. P. 47-57; Липсиц И.В. Ценообразование и маркетинг в коммерческом банке. Учебное пособие. М.: Экономистъ, 2004. 123 с.; Лаврушин О.И. Банковское дело. Экспресс-курс: Учеб. пособие. М.: КНОРУС, 2009. 352 с.; Тагирбеков К.Р. Основы банковской деятельности. М.: ИНФРА-М, Весь Мир, 2003. 720 с.; Тактаров Г.А. Ценообразование. М.: Инфра-М, Финансы и статистика, 2010. С. 35.; Тавасиев А.М. Банковское дело: управление и технологии. Учебное пособие для вузов. М.: Дашков и К, 2010. 612 с.; Коробова Г.Г. Банковское дело: учебник / Под. ред. Г.Г.Коробовой. М.: Экономистъ, 2006. 766 с.; Гойденко Ю.Н., Рожков Ю.В. Цены на услуги коммерческих банков: теория и практика формирования. Моногр. Владивосток: Дальневост. ун-т, 2003. 200 с.; Овсянникова О.А. Совершенствование системы ценообразования в банковской сфере: Автореферат дис. на соис. уч. степ. кандидата экономических наук. Ростов-на-Дону. 2005. 30 с.; Куликов Н.И., Унанян И.Р., Тишина Л.С. Банковский менеджмент: Учебное пособие. Тамбов: ГОУ ВПО ТГТУ, 2010. С.80; Погорелова И.В., Зенченко С.В. К вопросу о тарифной политике коммерческого банка // Вестник АПК Ставрополя, 2013. №4(12). С. 129-132.

Мамлакатимиз иқтисодчи-олимлари Ш.З.Абдуллаева, А.А.Омонов, Т.М.Қоралиев, У.Ў.Азизов, Т.С.Маликов, О.О.Олимжонов, Т.И.Бобакулов, Ф.И.Мирзаев, Б.Т.Бердияров, Х.А.Тухсанов, О.А.Ортиқов, И.Я.Куллиев, О.Ф.Алиқориев, А.М.Раҳимов, Х.А.Худаярова, З.Т.Мамадияров<sup>4</sup> ва бошқаларнинг илмий изланишларида мазкур мавзунинг айрим жиҳатлари баён этилган.

Юқорида келтирилган илмий тадқиқотларда баён этилган масалалар ўрганилган бўлса-да, мамлакатимизда тижорат банклари хизматларининг фоиз ставкаси ва тарифини шакллантириш бўйича яхлит ва комплекс тарзда мустақил илмий тадқиқотлар ўтказилмаганлиги танланган мавзунинг долзарблигидан далолат беради.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур диссертация тадқиқот иши Тошкент молия институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари» мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** тижорат банклари хизматларининг фоиз ставкаси ва тарифини шакллантиришни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

тижорат банкларининг хизматлари фоиз ставкаси ва тарифини шакллантиришнинг назарий асослари, хусусан мавзу юзасидан иқтисодчи олимларнинг илмий асарларидаги қарашларини, республикада мавжуд меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш ва тегишли хулосалар бериш;

банк хизмати баҳосининг таркибий тузилишини тадқиқ қилиш ҳамда хизматларнинг фоизи ва тарифини шакллантирувчи асосий омилларни аниқлаган ҳолда уларни туркумлаш;

мамлакатимиз тижорат банкларининг тариф сиёсатлари ва хизматлар тарифларининг амалдаги ҳолатини таҳлил этиш;

тижорат банкларининг депозит ва кредитлари фоиз ставкасини белгилаш амалиётини таҳлил қилиш ва тегишли хулосаларни шакллантириш;

---

<sup>4</sup> Абдуллаева Ш.З., Азизов У.Ў. Банк иши. Дарслик. Т.: Iqtisod-Moliya, 2019. 536 б.; Омонов А.А., Қоралиев Т.М. Пул ва банклар. Дарслик. Т.: Iqtisod-Moliya, 2019. 448 б.; Маликов Т.С., Олимжонов О.О. Молиявий менежмент. Т.: Академия, 1999. 254 б.; Бобакулов Т.И. Ўзбекистон Республикасида миллий валюта курсининг барқарорлигини таъминлаш борасидаги муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари: иқт. фан. доктори илмий дар. олиш учун тайёр. дис. Автореферати. Т., 2008. 36 б.; Мирзаев Ф.И. Ўзбекистонда банклараро рақобатни шакллантиришнинг концептуал асослари: иқт. фан. доктори илмий дар. олиш учун тайёр. дис. Автореферати. Т., 2011. 38 б.; Бердияров Б.Т. Тижорат банклари актив операцияларининг даромадлилиги: иқт. фан. номзоди илмий дар. олиш учун тайёр. дис. Автореферати. Т., 2002. 20 б.; Тухсанов Х.А. Процентная политика банков и вопросы её регулирования в условиях рыночной экономики: Автореферат дис. на соис. уч. степ. кандидата экон. наук. Т., 2005. 22 с.; Ортиқов О.А. Банклараро рақобат шароитида банк хизматлари ва уларни такомиллаштириш йўллари: иқт. фан. номзоди илмий дар. олиш учун тайёр. дис. Автореферати. Т., 2009. 22 б.; Куллиев И.Я. Кредит баҳосининг шаклланиши ва уни такомиллаштириш: иқт. фан. номзоди илмий дар. олиш учун тайёр. дис. Автореферати. Т., 2010. 22 б.; Алиқориев О.Ф. Тижорат банкларида молиявий хизмат турларини ривожлантириш йўналишлари: иқт. фан. номзоди илмий дар. олиш учун тайёр. дис. Автореферати. Т., 2011. 30 б.; Раҳимов А.М. Тижорат банклари депозит базаси ва уни кенгайтириш йўллари: иқт. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дис. Автореферати Т., 2019. 52 б.; Худаярова Х.А. Ўзбекистонда чакана банк хизматлари амалиётини такомиллаштириш: иқт. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дис. Автореферати. Т., 2020. 60 б.; Мамадияров З.Т. Тижорат банкларида масофавий банк хизматларини ривожлантириш: иқт. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дис. Автореферати. Т., 2019. 55 б.

банк хизматлари фоиз ставкаси ва тарифини шакллантириш борасидаги илғор хориж тажрибаси, ундан Ўзбекистон банклари амалиётида фойдаланиш имкониятларини тадқиқ ва таҳлил қилиш;

банк хизматлари фоиз ставкаси ва тарифини шакллантириш борасидаги мавжуд муаммоларни аниқлаш;

Ўзбекистон тижорат банкларининг депозит ва кредитлари фоиз ставкаси ҳамда хизматларининг тарифини шакллантиришни такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистонда фаолият юритаётган тижорат банклари, хусусан, АТБ «Қишлоққурилишбанк», АТБ «Туронбанк» ва АТБ «Ҳамкорбанк»лар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** тижорат банкларида хизматлар фоиз ставкаси ва тарифини шакллантириш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлардан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда гуруҳлаш, таққослаш, умумлаштириш, илмий тафаккур, қиёсий ва таркибий таҳлил, иқтисодий-статистик ҳамда бошқа усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

банк тариф сиёсатини такомиллаштириш мақсадида тарифларнинг индивидуал, ҳудудий, имтиёзли ва муддатли турларидан фойдаланишни назарда тутиш асосланган;

аҳоли ва тадбиркорлар учун хизматлар тўплами (пакети)ни ишлаб чиқиш ҳамда уларни қулайлаштирилган тарифларда тақдим қилган ҳолда банк ялпи даромади таркибида фоизсиз даромадлар ҳажмини ошириш таклиф қилинган;

банкнинг депозит ва кредитлари фоиз ставкаларини шакллантиришда уларнинг шартларида анъанавий хизматларни қулай шаклда тақдим этиш орқали барқарор ресурс манбаи ҳисобланган муддатли ва жамғарма депозитларга маблағларни кенг жалб қилиш ҳамда чакана кредитлаш ҳажмини ошириш таклиф қилинган;

банклараро рақобатнинг хизматлар баҳосига таъсирини юмшатиш учун рағбатлантиришнинг KPI (Key Performance Indicators) тизимини қўллаган ҳолда хизмат (маҳсулот)лар «кросс-сотуви»ни амалга ошириш самарадорлиги асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

банк тариф сиёсатида тарифларнинг индивидуал, ҳудудий, имтиёзли ва муддатли турларидан фойдаланиш хусусидаги таклифининг амалиётга жорий этилиши банк фоизсиз даромадларининг ошишига хизмат қилган;

банк хизматларининг фоизи ва тарифини шакллантирувчи ички ва ташқи омилларни таҳлил қилиб бориш хусусидаги таклифининг амалиётга жорий этиш учун қабул қилинган. Бу эса банкнинг ликвидлилик, кредит ва молиявий қўмиталарининг хизматлар фоизи ва тарифини белгилашга қаратилган қарорларининг самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

аҳоли ва тадбиркорлар учун хизматларни қулайлаштирилган тарифлар билан шакллантирилган пакетларда тақдим этиш юзасидан берилган таклифни амалиётга жорий этиш натижасида банк фоизсиз даромадининг ошишига эришилган;



муддатли ва жамғарма депозитларга маблағларни кенг жалб қилиш ҳамда чакана кредитлаш ҳажмини ошириш мақсадида мазкур депозит ва кредит турлари шартларида миждозларга анъанавий банк хизматларини қулай шартларда тақдим этишни назарда тутиш юзасидан таклифининг амалиётга жорий этилиши банк барқарор ресурс манбаининг ошишига замин яратган;

хизмат кўрсатиш ҳажмини ошириш учун хизмат (маҳсулот)лар «кросс-сотуви»ни амалга ошириш хусусидаги таклифининг амалиётга тадбик этилиши банк ялпи даромадининг ошишига хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда иқтисодчи олимларнинг мавзуга оид илмий-назарий қарашларининг қиёсий ва танқидий таҳлили шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банкларининг расмий маълумотларидан фойдаланилганлиги, қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги ҳамда илмий асосланганлиги, келтирилган хулоса, таклиф ва тавсияларнинг акциядорлик тижорат «Туронбанк» томонидан амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган таклифлар тижорат банклари хизматлари фоиз ставкаси ва тарифини шакллантиришни халқаро амалиёт тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклифлар ва амалий тавсияларни республикамиз тижорат банкларида тариф, фоиз, депозит ва кредит сиёсатларини ҳамда хизмат кўрсатиш ҳажмини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш, шунингдек, хизматларга қулай фоиз ва тарифларни белгилаш, хизмат кўрсатиш ҳажмини оширишда аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, етарли даражада хизмат кўрсатилмайдиган миждозлар қатламининг базавий банк хизматларига бўлган талабини қондириш каби вазифаларни бажаришда йўриқнома сифатида хизмат қилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тижорат банклари хизматларининг фоиз ставкаси ва тарифини шакллантиришни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

банк тариф сиёсатини такомиллаштириш мақсадида тарифларнинг индивидуал, ҳудудий, имтиёзли ва муддатли турларидан фойдаланишни назарда тутиш юзасидан берилган таклиф акциядорлик тижорат «Туронбанк»нинг фоизсиз даромадларига ижобий таъсир этган («Туронбанк» АТБнинг 2021 йил 23 мартдаги 22/04-71-сонли маълумотномаси). Ушбу таклиф «Туронбанк» акциядорлик тижорат банки фаолиятида қўлланилиши натижасида банкнинг ялпи даромади таркибидаги фоизсиз даромадлар 2021 йил 1 январь ҳолатига 128 млрд.сўмни ташкил қилиб, 2020 йил бошига нисбатан 18,5 фоизга ошишига эришилган;

аҳоли ва тадбиркорлар учун хизматлар тўплами (пакети)ни ишлаб чиқиш ҳамда уларни қулайлаштирилган тарифларда тақдим қилган ҳолда банк ялпи даромади таркибида фоизсиз даромадлар ҳажмини ошириш юзасидан берилган таклифи акциядорлик тижорат «Туронбанк» томонидан корпоратив

мижозлар учун хизматлар пакетини ишлаб чиқишда фойдаланилган («Туронбанк» АТБнинг 2021 йил 23 мартдаги 22/04-71-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифдан акциядорлик тижорат «Туронбанк» томонидан «Стандарт», «Турон VIP-1», «Турон VIP-2» ва «Турон VIP-3» тариф пакетларини ишлаб чиқишда самарали фойдаланилган;

банк депозит ва кредитлари фоиз ставкасини шакллантиришда уларнинг шартларида анъанавий хизматларни қулай шаклда тақдим этиш орқали барқарор ресурс манбаи ҳисобланган муддатли ва жамғарма депозитларга маблағларни кенг жалб қилиш ҳамда чакана кредитлаш ҳажмини ошириш тўғрисидаги таклифи акциядорлик тижорат «Туронбанк» ресурс базасини ошишига хизмат қилди. («Туронбанк» АТБнинг 2021 йил 23 мартдаги 22/04-71-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифни амалиётга жорий этилиши натижасида, акциядорлик тижорат «Туронбанк»нинг ресурс базаси таркибидаги жами депозитлар 2020 йил бошига нисбатан олганда, 2021 йил 1 январь ҳолатига 28 фоизга ошишига эришилган;

банклараро рақобатнинг хизматлар баҳосига таъсирини юмшатиш учун рағбатлантиришнинг KPI (Key Performance Indicators) тизимини қўллаган ҳолда хизмат (маҳсулот)лар «кросс-сотуви»ни амалга ошириш таклифи акциядорлик тижорат «Туронбанк» даромадининг ошишига ижобий таъсир қилган («Туронбанк» АТБнинг 2021 йил 23 мартдаги 22/04-71-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифни амалиётга жорий қилиш натижасида, банк ялпи даромади 2020 йил бошига нисбатан олганда, 2021 йил 1 январь ҳолатига 49 фоизга ошишига эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 5 та республика ва 5 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та илмий мақола, жумладан 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.


**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган. Диссертация ҳажми 140 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурлиги асосланган, тадқиқот мақсади ва асосий вазифалари ҳамда объекти ва предмети белгилаб олинган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган. Шунингдек, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилинишининг синовдан ўтганлиги, нашр этилган илмий ишлар сони ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тижорат банклари хизматларининг фоиз ставкаси ва тарифини шакллантириш асослари**» деб номланган биринчи бобда банк хизматлари фоиз ставкаси ва тарифини белгилашнинг назарий асослари, банк хизматлари баҳосининг таркибий тузилиши, хизматлар фоиз ставкаси ва тарифини шакллантирувчи омиллар ҳамда уларнинг туркумланиши тадқиқ қилинган. Тадқиқот олдида қўйилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда тижорат банклари хизматларининг фоиз ставкаси ва тарифини шакллантириш асосларига даҳлдор илмий натижа ва хулосалар шакллантирилган. Жумладан, иқтисодиёт назариясида «нарх» ва «баҳо» тушунчалари бир хил маънога эга бўлиб, улар синоним сўзлар эканлиги кўрсатилганини инобатга олиб, «банк хизмати баҳоси» ва «банк хизмати нархи» тушунчалари ҳам мазмунан бир хилдир. Тижорат банкларида баҳо шаклланиши жараёни иқтисодиётдаги «нарх» категориясининг мазмун-моҳияти, функция ва тамойилларига асосланган ҳолда амалга оширилади.

Банк хизматининг баҳоси уч шаклда намоён бўлади: фоиз ставкаси, тариф ва курс шаклида ўрнатилиши унинг ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Масалан: фоиз ставка шаклида кредит ва лизинг каби хизматларга белгиланади; тариф кўринишида воситачилик, траст, миждоз кўрсатмасига биноан қимматли қоғозларни бошқариш ва бошқа шу каби хизматларга белгиланади; курс шаклида валюталарни олди-сотди хизматлари учун белгиланади.




1-расм. Банк хизмати баҳосининг шакллари<sup>5</sup>

Диссертация ишида депозит ва кредитларнинг фоиз ставкаси ҳамда хизматларнинг тарифларини шакллантириш борасида тадқиқот олиб борилди. Бунда, иқтисодий адабиётларда мавжуд «фоиз ставкаси», «тариф» ва «тариф сиёсати» атамалари бўйича олимларнинг қарашлари ўрганилди.

<sup>5</sup> Муаллиф томонидан шакллантирилди.

Фикримизча, банк фаолияти, хусусан банк тариф сиёсати негизида молиявий самарага эришиш мавжудлигини инобатга олиб, олимлар қарашларни умумлаштирган ҳолда «банк хизмати тарифи» ва «банк тариф сиёсати» тушунчаларига қуйидагича таъриф бериш мақсадга мувофиқ бўлади: «**Банк хизмати тарифи** – бу банк хизматини кўрсатиш ва маҳсулотини сотиш учун ундирилиши белгиланган тўлов миқдори бўлиб, пул маблағларини жалб қилиш ва уларни жойлаштириш учун ўрнатиладиган фоиз ставкалари бундан мустаснодир». «**Банк тариф сиёсати** – молиявий самарага эришиш мақсадида банк хизматлари (маҳсулотлари) тарифини белгилаш ҳамда ўзгартиришнинг тартиб ва тамойилларини ўзида мужассам этган банкнинг ички ҳужжатидир».<sup>6</sup>



2-расм. Банк нарх сиёсатининг таркиби<sup>7</sup>

Булардан ташқари, Ўзбекистон Республикасида банк хизматларининг фоизи ва тарифини шакллантиришнинг ҳуқуқий асослари кенг тарзда тадқиқ этилди. Изланиш натижасига кўра, банк хизматининг фоиз ставкаси ва тарифини шакллантиришга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мос равишда иккига, яъни ташқи ва ички ҳужжатларга ажратилган ҳолда таснифланди.


Ўзбекистон банк тизимида хизматларнинг фоиз ставкаси ва тарифини шакллантириш борасида бош меъёрий ҳужжат бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 5 ноябрдаги «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуни ҳисобланади. Қонуннинг «Кредитлар, депозитлар бўйича фоиз ставкалари ва банк операцияларига оид воситачилик ҳақи миқдори» номли 62-моддасида кредитлар, депозитлар бўйича фоиз ставкалари, банк операцияларига оид воситачилик ҳақи миқдори банк томонидан мустақил белгиланиши кўрсатиб ўтилган.

<sup>6</sup> Муаллиф томонидан шакллантирилди.

<sup>7</sup> Муаллиф томонидан шакллантирилди.

Шуни айтиш мумкинки, тижорат банки молиявий хизматлар бозоридаги ҳолат ҳамда мижозларнинг талаб ва таклифидан келиб чиқиб, хизматлар баҳосини ўзининг нарх сиёсатига мувофиқ мустақил белгилайди.


Банк хизмати баҳосининг миқдори ички ва ташқи омилларга боғлиқ ҳолда шаклланади. Масалан, банк хизмати тарифини шакллантирувчи ташқи омилларга талаб ва таклиф, инфляция даражаси, рақобат муҳити, давлатнинг таъсири, пандемия ва фавқулодда ҳолатларни киритиш мумкин. Ички омилларга эса банкнинг харажатлари, мақсади, стратегияси, банк бошқаруви, хизматлар ҳажми ва бошқаларни киритиш мумкин. Мазкур омилларни таҳлил қилиб бориш ва бошқариш – банк нарх сиёсатини самарали юритишни таъминлайди.



**3-расм. Банк хизматлари фоиз ставкаси ва тарифини шакллантирувчи асосий омиллар<sup>8</sup>**

<sup>8</sup> Муаллиф томонидан шакллантирилди.

Тижорат банки хизматининг баҳоси таркибан харажатлар, маржа ва риск учун кўшимча устамадан иборат бўлади.



**4-расм. Банк хизмати баҳосининг таркиби<sup>9</sup>**

Банкларда баҳо шакллантиришнинг муҳим жиҳатларидан бири бу – хизматларга сарфланадиган харажатларнинг таҳлилини олиб боришдир. Банк қайси бир хизматига нарх белгиламасин, у ўша хизмат турига қилинган харажатлар миқдорини ҳисобга олади. Банк харажатларини таҳлил қилишда харажатларнинг таркиби ва динамикаси масалаларига эътибор қаратилади.

Маълумотларга кўра, Ўзбекистон тижорат банкларнинг 2020 йил якуни бўйича ялпи харажатлари 43 226 млрд.сўмни, шундан 53,3 фоизи – фоизли харажатлар (23 019 млрд.сўм), 8,1 фоизи – фоизсиз харажатлар (3 516 млрд. сўм), 18,8 фоизи – операцион харажатлар (8 145 млрд.сўм) ва 19,8 фоизи – кредитлар бўйича яратилган захиралар ва фойда солиғини тўлаш харажатлари (8 546 млрд.сўм) ташкил қилган.

Жаҳон банк амалиётида ривожланаётган давлатларда фоиз маржасининг тавсиявий даражаси 4,5 фоиз атрофида бўлиши халқаро экспертлар томонидан билдирилган.<sup>10</sup>

#### 1-жадвал

#### Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг 2016-2020 йилларда фоиз маржаси кўрсаткичи динамикаси, фоизда<sup>11</sup>

Банклар	Йиллар					2020 йилда 2016 йилга нисбатан ўзгариши, ф.п.
	2016	2017	2018	2019	2020	
Республика бўйича	3,7	3,0	3,8	4,7	4,5	+0,8
<i>Шундан:</i>						
АТБ «Қишлоққурилишбанк»	4,0	4,2	4,3	4,6	4,1	+0,1
АТБ «Туронбанк»	6,8	4,7	6,0	4,9	4,0	-2,8
АТБ «Ҳамкорбанк»	6,3	7,4	7,4	9,0	9,2	+2,9

Жадвалдан кўринадики, 2016-2018 йилларда Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг фоиз маржаси даражаси тавсиявий 4,5 фоиздан паст бўлган. 2019 йилда эса бу кўрсаткич мўътадил даражага кўтарилган ва 2020 йилда эса 4,5 фоизни ташкил қилган. АТБ «Ҳамкорбанк»да фоиз маржаси сезиларли даражада юқорилиги кузатилди. Бу эса, мазкур банк томонидан миқдорларни кредитлашда юқори фоиз ставкаларидан фойдаланилишини билдиради.

Маълумотларга кўра, 2020 йил бошида ривожланган давлатларда, шу жумладан АҚШ банкларида фоиз маржаси 3,35 фоиз, Россияда 3,7 фоизни

<sup>9</sup> Муаллиф томонидан шакллантирилди.

<sup>10</sup> Т.И.Бобакулов, Ш.А.Тошматов, А.К.Ибрагимов, А.Усанов, Б.Т.Бердияров. Молия-банк тизимини таҳлил қилиш ва баҳолашда қўлланиладиган халқаро меъёрлар, мезонлар ва стандартлар. Ўқув услубий қўлланма. Т.: Молия, 2011. Б. 128.

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банкларининг маълумотлари асосида тайёрланди.

(Сбербанк – 5,16%, ВТБ – 3,4%) ташкил қилди. Активлар салмоғи жиҳатидан дунёда етакчи ҳисобланадиган Хитойнинг 5 та йирик банкларида соф фоиз маржаси қуйидагича бўлган: Industrial & Commercial Bank of China – 2,24 фоиз, China Construction Bank Corp. – 2,26 фоиз, Agricultural Bank of China Ltd. – 2,16 фоиз, Bank of China Ltd. – 1,84 фоиз, Bank of Communications – 1,59 фоиз.<sup>12</sup>

Риск учун қўшимча устама миқдори фавқулодда ҳолатлар, инфляция ва пандемиянинг салбий таъсирини суғурталаш мақсадида хизмат баҳосига қўшимча фоиз қўшишни англатади. Адабиётларда риск учун қўшимча устама қуйидагича гуруҳланади.

## 2-жадвал

### Риск гуруҳи бўйича қўшимча устама ставкалари<sup>13</sup>

Риск гуруҳи	Риск учун устама (фоиз)
Рискнинг мавжуд эмаслиги	0,00
Минимал риск	0,25
Стандарт риск	0,50
Махсус риск	1,50
Стандартдан юқори риск	2,50
Шубҳали кредит билан боғлиқ бўлган риск	5,00

Тижорат банклари баҳо шакллантиришда риск учун қўшимча устама ставкаларини мустақил равишда белгилайдилар. Бу борада норматив ёки тавсиявий ҳужжатлар мавжуд эмас.

Юқоридагиларга асосан кредит фоиз ставкаси ҳисоб-китоби қуйидагича бўлади. Банк мижозидан 10 миллион сўмлик кредит буюртмасини олди ва базавий ставка 14 фоизни ташкил қилди. Кредитни расмийлаштириш ва мониторинг қилиш бўйича харажатлар таҳлили натижасида кредит суммасининг 4 фоизини ташкил қилиши аниқланди. Кредит rischi бўйича 0,5 фоиз миқдорида устама ва 4,5 фоиз миқдорида фоиз маржаси ўрнатилиши белгиланган. Шундан келиб чиқиб, тижорат банки кредитининг фоиз ставкаси 23 фоиз (14%+4%+0,5%+4,5%)ни ташкил қилишини кўришимиз мумкин.

Адабиётларда хизматлар баҳосини шакллантиришнинг жуда кўп усуллари мавжуд. Баҳо шакллантиришда амалиётда, асосан, харажатлар усули, мақсадга йўналтирилган усул, шартномавий усул ва параметрик усуллардан фойдаланилади.<sup>14</sup>

Харажатлар усулининг асосий кўрсаткичи бўлиб, банк хизмати баҳосининг қопланиш коэффиценти (Cost Coverage Rate - CCR) ҳисобланади. Ушбу кўрсаткич тижорат банклари ўз ресурсларини жойлаштиришда қабул қилиши мумкин бўлган минимал фоизни англатади. Унинг даражаси банк хизматлари таннархини қоплайди ва ушбу баҳо «зарарсизлик нуқтаси» бўлиб хизмат қилади. Иқтисодий адабиётларда, банк хизмати баҳосининг қопланиш коэффиценти 10 фоиздан ошмаслиги меъёрий ҳисобланиши кўрсатилган.<sup>15</sup>

<sup>12</sup> <https://interfax.com.ua/news/economic/659215> - веб-сайти маълумотлари.

<sup>13</sup> Основы банковской деятельности (Банковское дело)/Под ред. Тагирбекова К.Р. М.: ИНФРА-М, 2003. 439 с.

<sup>14</sup> Шевчук Д.А. Ценообразование: Учеб. пособие. М.: ГроссМедиа: РОСБУХ, 2008. С. 128.

<sup>15</sup> Банковское дело: Учебник // Под. ред. Г.Г.Коробовой. М.: Экономистъ, 2006. 766 с.



Ҳисоб-китобларга кўра, 2019 йил якуни бўйича Ўзбекистон банк тизимининг CCR коэффиценти меъёрдан юқори бўлмаган – 7,8 фоизни ташкил этган бўлса, 2020 йил якуни бўйича 12 фоизни ташкил этди.

Диссертация ишининг объекти АТБ «Қишлоққурилишбанк»да жами активлар таркибида даромад келтирмайдиган активлар улуши юқори эканлиги, ички қиймат даражасини 14,6 фоиз – юқори даражада бўлишини таъминлаган. АТБ «Туронбанк»да эса CCR коэффиценти 9,8 фоизни ташкил қилган. АТБ «Ҳамкорбанк»да «зарарсизлик нуқтаси» анча юқори, яъни 22,8 фоиз бўлган. Бу мазкур банкда кредитлар баҳоси таққосланганда, бошқа банкларга нисбатан сезиларли даражада қимматлигидан далолат беради. Бунинг сабаби, 2020 йил якунига кўра, мазкур банкнинг жами активлари таркибида даромад келтирмайдиган активлар улушининг юқори бўлганлиги, яъни у 31 фоизни ташкил қилганлигидандир.

Диссертациянинг иккинчи боби «Тижорат банклари хизматларининг **фоиз ставкаси ва тарифини шакллантиришнинг замонавий ҳолати ва тенденциялари**»га бағишланган. Унда банк хизмати баҳоси таркибида харажатларнинг ўрни ва уларнинг таҳлили, тижорат банкининг тариф сиёсати ва хизматлари тарифининг амалдаги ҳолати, банклараро рақобат шароитида депозит ва кредит фоиз ставкаларининг шаклланиши, банк хизматлари баҳосини шакллантириш борасидаги илғор хориж тажрибаси ва ундан Ўзбекистон банклари амалиётида фойдаланиш имкониятлари юзасидан таҳлиллар амалга оширилган.

Банк хизматининг баҳосини шакллантиришда харажатлар таҳлилинини олиб бориш муҳим аҳамият касб этади. Хизмат баҳоси банк амалга ошираётган харажатлар миқдорига бевосита боғлиқдир.

### 3-жадвал

#### Тижорат банклари ялпи харажатининг таркиби ва динамикаси<sup>16</sup>

(фоизда)

Кўрсаткичлар	Йиллар					2020 йилда 2016 йилга нисбатан ўзгариш
	2016	2017	2018	2019	2020	
<b>Жами харажатлар</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>х</b>
<b>АТБ «Қишлоққурилишбанк»</b>						
Фоизли харажатлар	64,7	60,7	64,0	77,1	76,9	+12,2
Фоизсиз харажатлар	35,3	39,3	36,0	22,9	23,1	-12,2
<b>АТБ «Туронбанк»</b>						
Фоизли харажатлар	28,5	32,9	35,5	53,7	61,3	+32,8
Фоизсиз харажатлар	71,5	67,1	64,5	46,3	38,7	-38,8
<b>АТБ «Ҳамкорбанк»</b>						
Фоизли харажатлар	47,3	46,4	56,3	60,0	54,0	+6,7
Фоизсиз харажатлар	52,7	53,6	43,7	40,0	46,0	-6,7

Тижорат банклари самарали фаолият олиб боришлари учун жами харажатлари таркибида фоизли харажатлари улуши универсал банкларда

<sup>16</sup> Тижорат банкларининг 2016-2020 йиллардаги ҳисобот маълумотлари асосида тайёрланди.



70 фоиз атрофида бўлиши назарда тутилган экан, таҳлил натижаларига кўра, 2020 йилнинг якуни бўйича мазкур кўрсаткич даражаси АТБ «Қишлоққурилишбанкда» юқори даражада бўлгани аниқланди.

Шунингдек, диссертация ишининг 2-бобида банклар тариф сиёсатининг амалдаги ҳолати ўрганилди. Жумладан, тарифлар банкнинг тариф сиёсатига мувофиқ корпоратив ва жисмоний шахс бўлган мижозлар учун ишлаб чиқилади ҳамда амалиётга жорий этиш учун тасдиқланади. Хизмат тарифи адабиётларда ва амалиётда воситачилик ҳақи, хизмат ҳақи, тўлов миқдори, комиссия, комисион тўлов каби атамалар билан ҳам номланади. Тарифлар жисмоний ва юридик шахслар учун қуйидаги банк хизматларига ўрнатилади:

нақд пулсиз ҳисоб-китоб, тўлов ва пул ўтказмалари билан боғлиқ хизматлар;

банк пластик карточкаларини очиш ва уларга хизмат кўрсатиш;

миллий ва хорижий валютадаги депозит ҳисобварағини очиш, юритиш ва бошқа шу билан боғлиқ хизматлар;

масофавий ва банк ускуналари асосида кўрсатиладиган хизматлар;

экспорт-импорт шартномаларини рўйхатга олиш ва юритиш;

касса операциялари, хусусан банкоматлар билан боғлиқ хизматлар;

қимматли қоғозларга доир амалга ошириладиган операциялар бўйича хизматлар ва банк фаолияти билан боғлиқ бошқа хизматлар.

Тадқиқотларга кўра, Ўзбекистонда банк хизматларига тарифлар асосан базавий ҳисоблаш миқдорига мўлжал тарзда, маълум бир сумма ёки ўша банк хизмати кўрсатилган сумманинг маълум бир фоизи ҳисобида банк мутахассислари томонидан ўрнатилади. Шунингдек, республикамиз банклари амалиётини ўрганиш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, банкларда тарифларнинг айрим турларидан етарли даражада фойдаланилмаяпти.



5-расм. Банк хизмати тарифининг турлари<sup>17</sup>

Амалиётда хизмат тарифининг асосан қуйидаги турларини кузатиш мумкин:

умумий (ёки стандарт) тарифлар. Маълум бир хизмат учун ўрнатилган ва тасдиқланган тарифлар банкнинг барча филиал ва офислари учун ҳамда уларнинг мижозлари учун ягона ҳисобланади;

худудий тарифлар. Бу – банкнинг маълум бир худудларда жойлашган филиал ёки офислари томонидан кўрсатиладиган маълум бир турдаги хизматлар учун тасдиқланган тарифлар;


<sup>17</sup> Муаллиф томонидан шакллантирилди.

имтиёзли тарифлар. Бунда, айрим турдаги хизматларни маълум бир мижоз ёки мижозлар гуруҳи учун қулайлаштирилган тарифларда тақдим этилиши назарда тутилади. Масалан, тадбиркорларга, талабалар ёки пенсия ёшидагиларга арзонлаштирилган тарифларда хизмат кўрсатиш ва шу қабилар;

индивидуал тарифлар. Бунга маълум хизмат ёки хизматлар тўплами (пакети)ни маълум бир мижоз ёки мижозлар гуруҳи учун қулайлаштирилган тарифларда тақдим этиш мисол бўлади. Хусусан, VIP-мижозлар, йирик корпоратив мижозлар ва уларнинг шўба корхоналари учун тақдим этиладиган хизматларга ўрнатиладиган махсус тарифлар тушунилади;

муддатли тарифлар. Турли омилларнинг таъсирини инобатга олиб, маълум бир банк хизмати (маҳсулоти) тарифини маълум бир муддат (кун, ҳафта ёки ой) учун вақтинча юқори ёки паст қилиб ўрнатиш тушунилади.

Хизмат учун мижоздан ундирилган тариф суммаси банкларда бухгалтерия ҳисобварақлар режасининг «Ҳоизсиз даромадлар» қисмида акс этади. Ҳоизсиз даромадларнинг жами даромаддаги улуши ҳар бир банкнинг фаолиятидан келиб чиқиб турлича бўлади.



**6-расм. 2016-2020 йилларда Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари даромадлари таркибининг динамикаси<sup>18</sup>**

6-расм маълумотларига кўра, Ўзбекистон банк тизимида олиб борилаётган ислохотлар натижасида давлат улушига эга банклар томонидан йирик инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш ҳажмининг ортиши уларнинг ялпи даромади таркибига ҳам таъсир этди. Жумладан, ўтган беш йилда кредитлаш ҳажмининг 5 баробардан зиёдга ошиши, банк ялпи даромадида Ҳоизли даромадлар улушини Ҳоизсиз даромадларга нисбатан юқори даражада бўлишини таъминлади. Бу эса, республика банк тизимини Ҳоизли даромадларга қарамлилик даражаси юқорилигини аниқлатади.


Шунингдек, сўнги йилларда иқтисодий рақамлаштирилиши ва технологияларнинг ривожланиши чакана банк хизматлари тарифларининг

<sup>18</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг маълумотлари асосида тайёрланди (<https://cbu.uz>).

пасайишига хизмат қилди. Бу банк ялпи даромади таркибида фоизсиз даромадлар улушининг камайишига олиб келди. 2016 йил якуни бўйича мамлакатимиз тижорат банклари фоизсиз даромадларининг ялпи даромаддаги улуши 39 фоизни ташкил қилган бўлса, 2020 йилда 24 фоизни ташкил қилди.

Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига замонавий банк хизматларини кўрсатиш сифати ҳамда кўламини кенгайтириш борасида кўрилаётган мақсадли чора-тадбирлар натижасида, 2020 йилда молиявий хизматлар соҳаси таркибида, бевосита банк хизматларининг улуши 80 фоиздан ортиқ бўлди.

Айниқса, сўнгги йилларда ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши натижасида Ўзбекистон банклари томонидан миждозларга қулай бўлган турли хилдаги масофавий хизматлар тақдим этилди.



**7-расм. Ўзбекистонда масофавий банк хизматларидан фойдаланувчилар сонининг динамикаси<sup>19</sup>**

Маълумотларга кўра, 2021 йил 1 январь ҳолатига кўра, банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимларидан фойдаланувчилар сони 14 571 мингтани ташкил қилиб, уларнинг сони ўтган йилга нисбатан 43,5 фоизга, ўтган 5 йилда эса 7 баробарга кўпайди. Бундан, масофавий банк хизматларидан фойдаланувчиларнинг 93 фоизини жисмоний шахслар ва атиги 7 фоизини юридик шахслар ташкил қилишини кўриш мумкин. Бу эса, банклар томонидан жисмоний шахсларга чакана хизмат кўрсатиш ҳажмини ошириш ва бу орқали банк даромадини ошириш имконияти юқорилигини ҳамда шу билан бирга юридик шахсларга ҳам масофадан хизмат кўрсатиш ҳажмини ошириш зарурлигини англади.

Булардан ташқари, диссертация ишида банкларнинг депозит ва кредит фоиз ставкасини шакллантирилиши бўйича таҳлиллар олиб борилди.

Тижорат банкларининг депозитлари фоиз ставкасини шакллантириш – корпоратив (юридик) ва жисмоний шахсларнинг банклардаги муддатли ва жамғарма депозитларига фоиз ставкасини белгилаш билан изоҳланади.

<sup>19</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг маълумотлари асосида тайёрланди (<https://cbu.uz>).

Таҳлилларга кўра, тижорат банклари жисмоний шахсларни банкка кўпроқ жалб қилиш мақсадида, 2016-2020 йилларда уларнинг депозитлари бўйича ўртача тортилган фоиз ставкасини юридик шахсларникига нисбатан маълум миқдорда юқори бўлишини таъминлаганлар.

#### 4-жадвал

### Ўзбекистон Республикасида 2016-2020 йилларда миллий валютадаги муддатли депозитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаси ва унинг динамикаси<sup>20</sup>

(фоизда)

Кўрсаткичлар	Йиллар					2020 йилда 2016 йилга нисбатан ўзгариши
	2016	2017	2018	2019	2020	
Жисмоний шахслар депозитлари бўйича	18,1	18,0	15,9	18,3	18,6	+0,5
Юридик шахслар депозитлари бўйича	6,1	8,7	12,3	15,9	15,8	+9,7

4-жадвал маълумотларига кўра, юридик ва жисмоний шахсларнинг миллий валютадаги муддатли депозитларининг ўртача тортилган фоиз ставкаси ўсиш тенденциясига эга. Марказий банк томонидан аҳолининг бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб қилинишини кенгайтириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар тижорат банкларининг депозит сиёсатига ўз таъсирини кўрсатди. Жумладан, ўтган 5 йилда жисмоний шахсларнинг тижорат банкларидаги депозитлари бўйича ўртача тортилган фоиз ставкалари 0,5 фоиз бандга, юридик шахсларнинг жамғарма ва муддатли депозитлари бўйича ўртача тортилган фоиз ставкалари эса 9,7 фоиз бандга ошди. 2017 ва 2018 йилларда юридик шахсларнинг банклардаги депозитларининг ўртача тортилган фоиз ставкаси ўша йилги инфляцияга нисбатан мос равишда 5,7 ва 2,0 фоизга кам бўлган.

Тадқиқотларимизга кўра, 2021 йил якуни ҳолатига Ўзбекистон тижорат банкларида жисмоний шахслар учун миллий валютадаги энг қулай йиллик ставкалар бўйича офлайн омонатлар акциядорлик тижорат «ТВС Банк» – 24 фоиздан 25 фоизгача (муддати 13-24 ой), «Anorbank» – 23 фоиз (муддати 13 ой) ва «TengeBank» – 23 фоиз (муддати 3 ой) банклар томонидан таклиф этилгани аниқланди. Шунингдек, айрим банклар томонидан 13 ойдан 25 ойгача бўлган муддатларга 22 фоиз ставкадан омонатлар таклиф қилинган.

Тижорат банкларининг асосий ва даромад келтирувчи вазифаларидан бири бу – жалб қилинган маблағларни ссуда бозорида сотиб, ундан даромад кўришдир. Судда бозорида банклар томонидан ажратилаётган кредитлар баҳоси йиллик фоиз ставка кўринишида тақдим этилади.

Кредит фоиз ставкасини белгилаш деганда, банк томонидан ажратилаётган кредитларнинг йиллик фоиз ставкаларини шакллантириш, белгилаш ва уни ўзгартиришга қаратилган иқтисодий жараён тушунилади.

<sup>20</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг маълумотлари асосида тайёрланди (<https://cbu.uz>).

Тижорат банкларида кредит фоизини шакллантиришга қатор омиллар ўз таъсирини кўрсатади. Банкларда кредит фоиз ставкаси даражасига жалб қилинган маблағлар қиймати, кредит амалиёти бўйича банкнинг операцион харажатлари, кредит rischi бўйича устама ва фоиз маржаси таъсир кўрсатади.

#### 5-жадвал

### Ўзбекистон Республикасида 2016-2020 йилларда миллий валютадаги кредитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкалари динамикаси<sup>21</sup>

(фоизда)

Кўрсаткичлар	Йиллар					2016 йилда 2020 йилга нисбатан ўзгариши
	2016	2017	2018	2019	2020	
1 йилгача бўлган кредитлар бўйича	13,5	15,3	20,0	23,6	22,3	+8,8
